

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

Оила ва жамият

ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕФАРАЗ СУҲБАТДОШИНИГИЗ



ЭНГ ОЛИЙ ҲИС

Ҳар бир инсон учун Ватан оиладан, маҳалладан бошланади.

Бизнинг маҳалламиздан санъаткорлар, врачлар, ўқитувчилар ва бошқа турли касб эгалари етишиб чиққан. Ҳозирги кунда ҳам уларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Маҳалламизнинг барча оилалари мустақил давлатимиз раънақиға ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ҳамкасбама Гулрух билан худудимизда жойлашган 11-оилавий кутубхонада фаолият олиб борамиз. Ўқувчилар вақтини беса-мар ўтказмас-



Жавод бобо Музаффаров узок йиллар мактабларда ўқитувчилик қилдилар. Ҳозир қариллик гаштини сурмоқдалар.

Жавод бобонинг 6 нафар фарзандлари бор. Фарзандларининг



ЖАВОД БОБО

“Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, Савоб ишни ҳар кун қилиш керак”.
Ислом **КАРИМОВ**

барчаси олий маълумотли. Турмуш ўртоғи Муҳаббат опа Раҳматова профессор-олима. Жиззах Политехника институтида иқтисодиётдан тахсил берадилар.

Жавод бобо жуда кўп савобли ишларни амалга ошираётган отахонлардан. “Кимёгар” маҳалласидаги “Савдо маркази”, “Нон-войхона”, “Сартарошхона”, “Поабзал таъмирлаш” шахобчаларини, болалар богчаси, “Алоқа бўлими”, “Матбуот” дўкони каби бир нечта аҳолига хизмат кўрсатиш муассасаларини ташкил қилганлар.

Биласизми, маҳалланинг ўзига яраша муаммолари ҳам талайгина. Бобонинг савобли ва хайрли ишларидан яна бири маҳалламиз худудиде жойлашган 29-

лик мақсадида уларни кутубхонамизга жалб қилмоқдамиз. Уларни зериктирмасликка, ҳамда маънавий бойликларини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Зеро, кўп китоб ўқиган кишидан кўра ақллироқ, зукороқ ҳам меҳроқибатли инсонлар бўлмайди. Китоб бу-инсониятни эзгуликка ундовчи бир воситадир. Кутубхонамизда бугунги кунда долзарб бўлган масалалар тўғрисида давра суҳбатлари ва тadbирлар ҳам ўтказиб тураемиз. Бу тadbирларни ўтказишимизда маҳалла аҳиллари фаоллари ўз ёрдамларини, маслаҳатларини аямайдилар.

Ҳафтада бир марта мактаб ўқувчиларини йиғиб, кундалик газета ва журналларда ёритиб борилаётган мақолалар хусусида суҳбатлар уюштираемиз. Айниқса «Оила ва жамият»да ёритиб борилаётган ҳеч бир мақола ўқувчи назарини четлаб ўтмайди.

Ватан ҳисси - бу энг олий ҳисдир, унга доимо садоқатли бўлиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Умида ҲИДОЯТОВА
Тошкент шаҳри
Собир Раҳимов тумани
«Шодлик» маҳалласи
11-сонли кутубхона
кутубхоначиси

сон «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланувчи 10 нафар болани оталиққа олганлар. Ана шу кўнгли ярим болажонларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, турли ширинликлар, мактаб ўқув куроллари ва ўйинчоқлар совға қилиш у кишининг одатий бурчи бўлиб келмоқда. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, кекса нафақахўрларга ёрдам берадилар.

Б а з и оилалардаги эр-хотин келишмовчиликларига барҳам беришда ўз хизматларини, маслаҳатларини аямайдилар.

- «Оила ва жамият» «Адолат кўзгуси» «Фидокор» гезаталарига обуна бўлганман. Уларни мунтазам равишда ўқиб бораман. Лекин «Оила ва жамият»да ёритиб борилаётган баъзи бир оилаларнинг бузилишлари ҳақидаги мақолалар мени кўп ўйлантиради. Ахир «бир оилани сақлаш учун мингта оила кўл чўзса ҳам камлик қилади», - дейдилар ачинаиб.

Жавод бобонинг ниятлари кўп. Қанийди, ҳамма ҳам ана шу отахондек савоб ишларни беминнат бажарса.

Муҳайё БЕРКИНОВА
Жиззах шаҳри

МЕҲР-ОҚИБАТЛИ ОИЛА



Тadbиркор - деганда кўпчилик кўз олдида бадавлат, савлатли кишилар намён бўлади. Аммо ана ўша номнинг ортида, катта меҳнат, машаққат турганини баъзилар хис этмайди.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманига қарашли «Турсунов Фарҳод» хусусий корхонаси раҳбари Нажмиддин Турсунов билан қилган суҳбатимиз тadbиркорликнинг сиру-синоатлари хусусида бўлди.

Севимли касбингизни ташлаб тadbиркорлик фаолияти билан шуғуланишингизга нима туртки бўлди?

- Ҳар кун Қибрай шаҳарчаси атрофидаги бир кўчадан ишга ўтаман. Ўша ерда назари тушган одам четга қараб юзини берки-тиб ўтиб кетадиган ташландик бир жой бор. Негадир ўша жой менинг диққатимни ўзига тортаверди. Шу ерни обод қилсам қандай бўларкин деган таклифни туман ҳокими Саидхўжа Тошхўжаевга айтганимда у киши бажонидил мени қўллаб-қувватлади. Ана шу ташландик, одамлар ўтиб турадиган икки йўл четига мўъжазгина бино қурдим. Кўчаларига гуллар экиб, маҳалладан ўтган одамни баҳри-дили очиладиган қилиб қўйдим. 2000 йил «Савдогарбанк» ҳисобидан кредит олиб, саккизта соғин сигир, юздан ортиқ парранда сотиб олиб иш бошладим. Тadbиркорлик фаолиятимни изга солиб, кредит суммалари-

ни ўз вақтида қайтариш-шимда Вазира Каримбердиеванинг маслаҳатлари кўмак берди.

Ҳам ўз манфаатини, ҳам давлат манфаатини ҳимоя қилиш учун тadbиркор нималарга эътибор бериши керак деб ўйлайсиз?

-Хукуматимиз томонидан фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида янгидан-янги қонунлар жорий этиляпти. Мен ана ўша қонунларни қатъий равишда ўқиб, ўрганиб бораман. Тadbиркорликни ўзига яраша катта маъсулияти бор. Қаерга борсам ўз ҳуқуқимни беҳарчаси атрофидаги бир кўчадан ишга ўтаман. Ўша ерда назари тушган одам четга қараб юзини берки-тиб ўтиб кетадиган ташландик бир жой бор. Негадир ўша жой менинг диққатимни ўзига тортаверди. Шу ерни обод қилсам қандай бўларкин деган таклифни туман ҳокими Саидхўжа Тошхўжаевга айтганимда у киши бажонидил мени қўллаб-қувватлади. Ана шу ташландик, одамлар ўтиб турадиган икки йўл четига мўъжазгина бино қурдим. Кўчаларига гуллар экиб, маҳалладан ўтган одамни баҳри-дили очиладиган қилиб қўйдим. 2000 йил «Савдогарбанк» ҳисобидан кредит олиб, саккизта соғин сигир, юздан ортиқ парранда сотиб олиб иш бошладим. Тadbиркорлик фаолиятимни изга солиб, кредит суммалари-

силжийди. Оилавий хотирхамлик, тотувликда гап кўп экан.

Саҳоватпеша инсон сифатида туманингиз кишиларига қандай шароитлар яратиб беришга муоффақ бўляпсиз?

- Ҳозирча ўн нафардан ортиқ болалар богчасидаги болажонларни сут, қатиқ, қаймоқ, творог билан таъминлаб бораемиз.

Келажакдаги режалари...

- Насиб бўлса туман марказида фақат сут маҳсулотлари сотиладиган магазин ташкил этиб, камқон, хомилатор аёлларни бепул сут маҳсулотлари билан таъминлашни ният қилиб турибмиз. Ушбу таклифни менга онам

Тўлқиний ая Турсунова айтганида ўзим ҳам хурсанд бўлиб кетдим.

Онам «Омад келганида топганингни ўндан бирини савобга ташла, шунда мартабанг бундан ҳам улук бўлади», - деб кўп бора таъкидлади. Қолаверса, отам Абдужаббор ота Турсуновнинг ибратли ҳаёти биз ака-укалар учун ҳамиша ўрнак бўлиб келади.

Суҳбатингиз учун ташаккур. Биз ҳам ўз на-вбатида ҳаётининг ҳар бир кунини, ҳар бир дақиқасини меҳнат, изланишга, эл-оғирини енгил қилишга бағишлаб яшаётган саҳоватпеша инсонлар сони кенгайишни ният қилиб қоламиз.

Суҳбатдош
Н. ЙЎЛДОШЕВА

Яхшилардан сўз очдик

Риштон туманининг Авазбой кешлогида яшайдиган Биҳожал опани кўргим, гаплашгим келаверади.

- Бизни йўқлаб келибсизда, - деб опа меҳмонни ўтказган жой тополмайдилар.

Сўхбат бошланади. Уйла-сизки, тўртта аёл йиғилса, гап мавзуи тайин: оила, рўзгор,

Тақдирнинг уйиними ёки синовими... Тўйдан икки кун ўтиб кўвни уч йилга ҳарбий хизматга олиб кетишди.

- Менимча, ўшанда шеър ёза бошлаган бўлсангиз керак?

- Ёзганларин шеърими ёки шунчаки гапларими, билмадим. Лекин ўшаларни ёзганимдан кейин энгил тортар-

Тугруқхонадан уйга келгач, биринчи марта унга оппоқ қоғоз тутказганман. У митти қўллари билан варақни гижимлар экан, мен Аллоҳдан "Шу ўғлим келажакда одамларни яхши ишларга бошлайдиган китоблар ёзишини насиб этгин", - деб тилаганман.

Биҳожал опа ўғли Исажонни

- Уша кунги қувончларимни сўзлаб беролмайман, - дейди Биҳожал опа. - Биринчидан, бу менга кутилмаган янгилик бўлди. Иккинчидан, ҳикоядаги ожиз, ёрдамга муҳтож мусичага шафқат туйғуси кўнглимни энтиктирган эди...

Биҳожал опа ва турмуш ўртоғи журналист Абдурайим ака китоблар ичра яшаб энг аввало бир-бирларини, одамларни тушундилар, ҳаётни қадрлашга ўргандилар.

- Мен дадасидан ўн ёш кичкина эдим. Шунинг учунми, баъзан ёшлик қилсам, хато айтсам, эрим мени маъқуллардилар-у, фурсат ўтиб ховурирдан тушганимдан кейин ёлғиз ўзимга: "Ундай эмас, бундай" дердилар. Мен тушунардим.

Ҳақиқий ўқиган, уққан деб ана шундай одамларга айтилса керак.

- Турмуш ўртоғим кутилмаганда дард билан вафот этдилар. Улардан меҳр-муҳаббатли кунлар ёди қолганлиги - катта бахт.

Оталаридан фарзандларга энг олийжаноб фазилатлар ҳам мерос бўлиб қолди.

- Мен ўғилларимга доим: "Хотинингни эҳтиёт қил, кўнглига қара. Аёл - уйнинг чироғи, бу чироқ доим порпираб ёниб турсин", - дейман. Худога шукр... - Биҳожал опа ўғиллари қизлари, келину кўёвлари ҳақида ана шундай шукроналик билан сўзлайди.

Биҳожал опанинг ҳамон энг ишонган дўсти, сирдоши - китоблар. Ҳаммаси кўнгли мулкига айланган севимли ижодкорлар асарлари сафига ўғли Исожон Султоннинг китоблари ҳам қўшилган.

...Мен ҳавас қилган, юзларида ботиний ва зоҳирий нур акс этган бир тақдир ҳақидаги муҳтасар баёним - шу. Зеро, яхшиликларни тилаб, шунга интилайлик. Аллоҳ - бергувчидир.

Муҳтарам УЛУҒОВА



(Боши 33-36-37 сонларда.) **Болалик ва оналикни ҳимоя қилувчи қонунчилик нимадан иборат?**

1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Сессиясида Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция ратификация қилинди. Халқаро ҳамжамият олдида Ўзбекистон Республикаси уларни амалга оширишда ўзига жавобгарлик, қондаларига риоя қилишда мажбурият юклади.

Ўзбекистон Республикасида Конвенция қондаларига асосан давлат сиёсатини мувофиқлаштириш мақсадида маъмурий, қонуний ва бошқа қоралар қабул қилинади. Ўзбекистонда болалар мақоми қуйидаги норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган:

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, Маъмурий жавобгарлик кодекси, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик, Оммавий ахборот воситалари, Ёшлар тўғрисида ўзгартириш ва қўшимчалар билан, Таълим тўғрисида, Фуқароларни соғлиғини сақлаш тўғрисида, Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида, Уй-жой сиёсатининг асослари Қонунлари ва бошқалар.

Мамлакатда болаларга муносабат қанақа ва қандай муаммолар мавжуд?

Ўзбекистонда болаларни ва ёшларни жисмоний, маънавий ва ахлоқий ривожланишига қадимдан катта аҳамият берилган. Абу Али ибн Сино қўлёзмаларида ҳам болаларга алоҳида муносабат, уларнинг қарашлари ва манфаатларини ҳурмат қилиш талаб этилган. Ҳуқуқатимизнинг ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Ўсмирлар соғлиғини ҳимоялаш билан халқаро давлат ва нодавлат фондлари, ташкилотларидан ташқари, "Соғлом авлод учун", "Қамолот", "Умид" ва бошқалар шуғулланмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўсмирлар орасида бир қанча амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

1998 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Оила йили" деб эълон қилинди. Болалар муаммоларини оиладагина ечиш мумкин ва зарур.

Республикамизда асосий эътибор ногирон болаларни ижтимоий мослашга ва реабилитация қилинишига қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1996-2000 йилларга мўлжалланган ногиронларни реабилитация қилиш давлат дастури қабул қилинган. Ушбу дастурни амалга оширишда 40 вазирлик, муассаса, фондлар ва бошқа жамоа ташкилотлари иштирок этмоқда. Мазкур дастур ногиронликни олдини олиш, ижтимоий ва тиббий ногиронларнинг реабилитациялаш, уларни барча соҳаларга ўқитиш, жисмоний тайёрлаш ҳамда ногиронлар билан ишлаш учун кадрларни тайёрлаш, протез маҳсулотларни тайёрлаш ва бошқа муаммоларни ечиш билан боғлиқ реабилитация масалалари кўрсатилган. Дастурни амалга ошириш мақсадида барча республика вилоятларида 13та ногиронларни реабилитация қилиш марказлари ташкил этилган.

(Давоми бор.)

УНГА ҲАВАС ҚИЛАМАН

болалар, тўю маърака, либосиз безаклар... Лекин мен Биҳожал опа билан сўхбатлашарканман, ҳижолатчилигимни, билмаслигимни баъзан ошкор, баъзан дилимда тан оламан. Сабаби: Биҳожал опа ўқиган бадий асарларнинг ҳаммасиниям ўқиган эмасман...

- Олтинчи синфда ўқирдим ўшанда, - деб эслайдилар опа. - Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" дostonини ўқиб чикдим, асл нусхада...

- Кечирасиз, "Фарҳод ва Ширин"ни ўн уч яшар қиз тушуниши осон эмас-ку? - деб савол бердим.

- Тушунмаган сўзларимни лугатдан қарайдим. Лекин биласизми, шу дostonни ўқиганим учун ўқитувчимиз мени ўқувчиларнинг олдига турганиз қизарттирдиганди. Менга: "Уялмасдан мана шунақа ошиқ-маъшуклик ҳақида китоблар ўқиб юрибди", - деб изза қилганди. Мен эса ўшанда мактаб кутубхонасидаги ҳамма китобларни бир бошдан ўқийётган эдим...

Ўқимишли, китобнинг қадрига етадиган йигитга турмушга чиқишни дил-дилдан орзу қиларди. Абдурайимжондан совчилар келганда, индамади, "Ўзларинг биласизлар", - деди.



дим. - Қанақа янги китоб босмадан чиқса, турмуш ўртоғим албатта уйга олиб келардилар. Адабий-бадий журналларнинг биронтасини қолдирмай ўқирдик. Ярим кечаларда болаларимни эмизиб ўтириб ҳам китоб ўқирдим. Ижобий ҳаётлар билан бирга яшардим гўё.

Биҳожал опа ижод аҳлини шу қадар содда-ю самимий қалб билан қадрлайди, ҳурмат қилардики!

- Катта ўғлим Исожоннинг ёзувчи бўлишини у дунёга келган кундан орзу қилганман.

ҳали у мактабга бормасидан аввал бадий асарлар оламига олиб кирди. Ўқиган китоблари ҳақида худди катта одам билан гаплашгандай фикрлардир.

- Бизнинг уйимизда дастурхон атрофида ҳам, дам олиш пайтида ҳам фақат янги чиққан асарлар тўғрисида гаплашардик. Авваллари дадаси билан, кейин ўғил-қизлар қўшилиб боришди.

Исажон тўртинчи синфда ўқийётганда туман газетасида унинг "Мушук билан мусича" деган ҳикояси босилиб чиқди.

ЭРКИН ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқароларнинг эркин ва тенг ҳуқуқли эканликлари таъкидланган. Лекин баъзи бир оилаларда аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик қилиш ва камситилиш иллатлари учраб тураётганлиги кўпчиликка сир эмас. Бу иллатлар айниқса Республикаимизнинг чека қишлоқ ва овулларида, баъзида шаҳарларида ҳам учраб қолаётгани бизни ташвишга солади. Ана шу иллатларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси ва Бирлашган Миллатлар ташкилотининг UNIFEM ташкилоти томонидан "Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик масаласи юзасидан жамиятнинг гендер таъсирчанлигини ошириш" лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Жорий йилнинг бошларида ана шу лойиҳа бўйича вилоят, туман хотин-қизлар қўмиталари, Тошкент вилоятининг бир нечта туманларида, фуқаролар йиғинларида биринчи босқич семинарлари бўлиб ўтди.

Яқинда Чиноз туманининг "Ислоҳат" фуқаролар йиғинига қарашли "Дўстлик" ва "Навоий" ширкат ҳўжалиларида туман хотин-қизлар қўмитаси, "Олмазор", "Ўзбекистон" фуқаролар йиғинлари фаоллари, оқсоқоллари, имом хатиб, отинойи ва бошқалар иштирокида иккинчи босқич семинарлари ташкил этилди. Ту-

ман хотин-қизлар қўмитаси раиси Хабиба Шерова ахборот берди.

Ушбу масалалар юзасидан фаолларнинг фикрлари тингланди. - Эридан ажрашган аёлнинг ўз фарзандлари билан алоҳида яшаши ва ўз ҳаётини изига солиши учун муҳим бўлган уй-жой ва иш билан таъминлаш каби муаммоларни ҳал қилиш борасида кўмаклашяпмиз, - деди «Ислоҳат» фуқаролар йиғини раиси Б. Ирисимбетов. Шунингдек эркекларнинг хотин, бола-чақаси бўла туриб, бошқа аёллар билан яна никоҳдан ўтиш ҳолатлари, ва ана шундай никоҳлар натижасида туғилган фарзандлар учун ҳўжатларини тайёрлашда ва уларга бериладиган нафақалар ва ҳўказолар борасида ҳам айрим чалқашликлар пайдо бўлмоқда. Биз аҳоли ўртасида сўхбатлар, тушунтиришлар ўтказаяпмиз. Бунда бизга хотин-қизларимизнинг ўзлари, оқсоқолларимиз, имом хатибларимиз кўмак беришяпти.

Ёш оилаларга ҳар томонлама кўмак беришда қатнашаётган ҳурматли онахонлардан Ханифа Собирқўлова, Кароматхон хожи Ортиқбоева, Гулнора Ортиқбоева каби фаол онахонлар ва Салқунбек Одилов каби онахонлар ўз ҳаётий тажрибалари ҳақида йиғилганларга сўзлаб беришди.

Лола АҲМЕДОВА

Газетхон — газета ва ҳаёт ҳақида

ТАРБИЯНИНГ ЭНГ ЯХШИ УСУЛИ

Хонадонимиз аъзолари билан ушбу газетани 7 йилдан буён ўқиб келамиз. Бизга газетдаги ҳамма руқналар ёқади. Айниқса, қайнона ва келинлар, эр-хотиннинг оиладаги муносабатлари ҳақида ёзилган мақолалар бизни ўйлантиради. Бу газета одамларни ўзига хос тарбиялайди ҳам. Салбий одатлар ҳақида ёзилган мақолаларни ўқиган инсонлар, тегишли хулоса қилиб ўзларидаги бу қусурларни аста-секин йўқотишга уринишади. Бу эса тарбиянинг энг яхши усули. Масалан, менинг ўғлим ўта рашқчи эди. Бир кун шу мавзудаги мақолани ўқиб қолди. Рашқнинг оқибати одамни не қўйларга солишидан воқиф бўлди. Оқибат, у тегишли хулосасини чиқариб олди. Ўзининг бу номақбул одатини ташлади. Севимли газетамизда миллий удумларимизга ёт бўлган ортиқча чиқимли тўй-ҳашамлар, чаллар, қувёв оши, йил оши каби кераксиз одатлар ҳақида ҳам кўпроқ ёзилса... Бундай иллатлар йўқолса, удумларимиз ҳам ихчамлашиб борар эди-да! Маросимларимиз қанча ихчамлашса ҳаётимиз шунча гўзал ва чиройли бўлади.

"Оила ва жамият" газетаси ҳар пайшанба кун хонадонимизга азиз дўстимиздек кириб келишини қанда қилмайди. Бунинг учун миннатдоримиз.

Биз ўзимиз меҳр қўйган газетамизнинг ҳаммаша эл аро азиз бўлиб, муҳлислари бундан кейин ҳам кўпайиб юришини истаймиз.

Паттихон САМАДОВА
меҳнат фахрийси,
Фаргона вилояти

Инсоният зинони энг муҳим сифатида ҳамиша қоралаб келган. Куръони каримда ҳам: **“Зинога яқинлашманглар, албатта у фахш иш ва ёмон йўлдир”**, дейилган. Пайгамбар алайҳиссалом: **“Қайси қавмда зино тарқалса, Аллох таоло уларни ота-боболари билмаган касалликка мубтало қилади”**, деганлар. Бу ОИТС каби бедаво касаллик ҳақида 1500 йил муқаддам айтилган башорат эмасми? Яна бир ҳадисда пайгамбаримизнинг: **“Зинокор зино қилганда, мўминлиги қолмайди”**, деган таъкидлари бор. Ота-боболаримиз ва аёлларимиз зинодан қўрққанлар, гуноҳ ишлардан ўзларини тийганлар. Шариятда зинокорларга нисбатан қўлла-ниладиган жазолар оғир ва қатъий бўлган

хислатлардан сабоқ бера олмайдилар. Тугилгач, ташлаб кетилган чақалоқлар болалар уйларида бошқа кишилар фамилиясини олиб тарбияланадилар. Яна бир фожеа. Отаси кимлигини билмаган болалар қизига тақдир тақозоси билан вояга

тортганлардан кўпини кўрганман. Бир танишим жамоа ҳўжалигида бош ҳисобчи бўлиб ишлаб юрган кезларда идорада янги йилни кутиб олишибди. Шира кайф ҳолда бирга ишлайдиган аёлнинг кўкрагига қўлини тегизибди. Кеч уйига келганда, эшикни беркитиб қўйишган экан. Девордан ошмоқчи бўлиб, қўлини девор устига қўйибди. Худди ўша аёлнинг кўкрагига теккан кафтини чаён қачиб, ўлишига сал қолган экан. Яна бир танишим эрталаб зинодан қайтиб келганда, ўйнаб турган б ёшли ўғли тўсатдан вафот этиб қолганини айтиб, тавба-тазарру қилиб, иккинчи фоҳишаларга яқинлашмайман, деган эди. Халқимиз **“Харом иш ҳам жонга, ҳам молга уради”**, деб бекорга айтаман.

Зино оилалар бузилиб, болалар тириклайин етим бўлишига ҳам сабабчидир. Фахш йўлига кирган аёллар ёши ўтиб «бозори ўтмай қолган»дан кейин қанчалик бадбаша, жирқанч, одам хазар қилади-



ГУНОҲИ



Зинонинг яна бир аянчли томони шуки, никоҳсиз туғилган бола онасининг фамилиясида бўлади. Буни маҳалла аҳли, кўни-кўшилар, қариндош-уруғлар, боланинг ўқитувчи ва синфдошлари яхши билишади. Улар ўша аёлга нафрат билан қарашади, боласига ҳам меҳр-шафқат кўрсатавермайдилар. Ёлшоҳдан туғилган бебайи бола доим кўнгли синиқ, тазна-тазаррулар остида яшайди. Уларнинг баъзилари онасининг фахш йўлига кириб кетганини сезиб, «отамни топиб бер», деб қистовга олади. Маишатпарст, фақат ўз кайфу сафоси ва шахвоний нафсини ўйлаган, мусулмончиликдан йироқлашиб кетган «она»лар ўз болаларига одоб-ахлоқ, ҳалоллик-поқлик, инсонийлик каби олийжаноб

етиб, ўша номмаълум отасининг уйланиб кетиши ёки отасини билмаган киз учун ўғлига турмушга чиқиб кетиши ҳам мумкин.

Шундай экан, «ишк» бозорини авж олдириш билан шуғулланаётган, етим болаларни кўпайишига сабабчи бўлаётганларга нима учун бефарқ бўлишимиз, кўнгличанлик қилишимиз кезрак?

Минг афсуски, ҳаётда: «Бева қолиб ёки эридан ажралган, ота-она назоратидан чиқиб кетиб «дом»ларда яшайётган, турли сабаблар билан фахш йўлларга кириб кетган айрим ёш аёллар барча шаҳарларда учраб туради».

Зинокорлик жазосини нафақат у дунёда, балки бу дунёда

ган бўлиб қолганларини кўпини кўрганман. Маҳалла фаолаари, табаррук кекса ота-оналар, аҳли илм ва уламолар, ўзини мусулмонман деб юрган ҳар бир инсон зинога қарши курашмоғи даркор!

Азиз юртдошларим! Қабиҳ, жирқанч иллат, гуноҳи азим ҳақида кимларгадир сабоқ бўлар, деган мақсадда бир оз сўз юритдим. Ундан хазар қилинч, қочинг ва унга яқинлашманг. Бу дунё ва у дунёнинг ғиж хараб бўлмасин!

Ҳожи Исмаилов
АБДУЛЛОХ
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби,
профессор, кекса мураббий

(Боши ўтган сонларда.)

44. Ўғлим, 18 йиллик гулингни асра! Ўғрилиб-айланавер! Ахир, унутма! Гул, ҳеч қачон одамни яратмаган, одам гулни яратган. Сен 18 йил мобайнида Муҳаббат - гулини ярата олдинг. Шуни ўзга кўзлардан дариг тут, ўғлим!

45. Ўғлим, ҳар бир халқнинг ўз либоси, ўз йигини-маросими, унинг ўрни, гапи, урф-одатлари бор. Тўйнинг гапи - тўйдек, азанинг гапи-азадек бўлиши лозим. Унутма! Либос, йигини эслатиб туриши лозим. Ўзингга ярашмаган фикр, либос, хатти-ҳаракатлардан ўзингни чеклаб-четлаб юришни одат қилиб ол! Баъзи бир, безбет одамларга, сайёҳ созандага, ҳаётга энгил-елпи қаровчи тани ярим очик, пулга рўжю қўйган «санъаткордан ўзингни, кўзингни, қўлингни тийиб яша! Улардан Ор қил! Орнинг устунроқ турсин, жон ўғлим!

46. Ўғлим, дунё - бир кам. Камлар фақат, меҳнат, сабр билан тўлдириб борилади. Инсон бошига тушган камлик дўстлар мадади, меҳнат, сабр-бардош, матонат, ҳамжиҳатлик билан энгилиб бори-лишини ҳис қил, энгишда тиниб-тинчимча, энгилма, ўғлим!

47. Ўғлим, ҳар қандай бўҳтон, тўхмат, надомат, мақтовларга ишонма! Фақатгина қалбинг даъватига таян: у сени ҳеч қачон гафлатда қолдирмайди: ҳаёт йўлингга ғов солмайди. Аксинча, йўлингни ўн тўрт кунлик ойдек ёритиб боради.

48. Ўғлим, ўзингдан катталарнинг йўлини кесиб ўтма! Утиш. «Ассалому алайкум»ни насия қилиш - ғирт беҳаёликнинг ўзгинаси. Агар аёл йўлни кесиб ўтса, йўловчининг иши ўнгидан келмайди. Ишингда омад-сизлик рўй беради. Кесиб ўтгани сен ҳақорат қилма! Битта ёмоннинг - нечалаб яхшиси бор, ўғлим! Борди-ю, мушук кесиб ўтса янаям хатарли. Агар, йўлингни вафодор, ит кесиб ўтса, йўлинг оқ, няятинг пок бўлади...

49. Ўғлим, меҳнат билан дам олиш ҳузур-ҳаловатингни тенг тақсим қил! Ҳеч ким йиққан мол-дунёсини елкалаб кетмаган! Меҳнат ёки дам олиш, меъъридан ошиб кетса, соғлиққа зиёндр.

50. Ўғлим, одамлар қалбига кириб бор! Бунинг учун: юрагинг-пок, тилинг - ширин, қўлинг-хунар, юзинг - ёруғ, қадаминг - қутлуғ бўлсин! Буларнинг барчаси сенда мужассам бўлса, сен ўзи фидойи инсонлар қаторидан жой олишинг муқаррар. Ахир, инсон - буюк зот! Уқиб ол!



УФИЛЛАРИМГА...

51. Ўғлим, одамлар билан мулоқотда бўлганда, кимгадир мулозамет кўрсатаман, деб кўзингни қисиб, турли хилдаги мимикалар қилма; кимгадир ёв қараш, ёт қилиқ - лабингни чўчқайтириб, елкангни учириб, киприklarингни зардали пирпира-тиб, жаҳл қилма! Бундай ҳолатда сен, тингловчиларингнинг ишончини қозона олмайсан, фикринг мижозлар қалбидан ўрин олмай, ўзинг улар қаршида беқадр Инсон бўлиб қоласан. Беқадрларнинг ҳоли, эл-юрт орасида не кечишини, бир тасаввур қилиб кўрчи, ўғлим!

52. Ўғлим, шодликни ҳам, гамни ҳам Оллоҳим бандаларига тенг тақсим қилганлар. Яхши, шодлик кунинг учун шукр қил, гамин, ёмон кунинг учун сабр қил, ўғлим. Элинг сендан ношуқур экан деб, узоқлашиб кетмасин.

53. Ўғлим, ўзининг қадрига ета билганлар, ўзгаларни қадрлай билади. Инсонийлик қадринг боши, ўнг қўлингнинг кўкрак-юрэк устига қўйиб, «Ассалому алайкум», - дейишдан бошланади. Бу қорин саломидан тубдан фарқли бўлиб, хурматдир. Қорин саломи хурматсизликдир...

54. Ўғлим, элга бер - кутма! Бировга кўрсатган яхшиликни миннат қилиб, ёки ўзини элга яхши киши қилиб, кўрсатиш учун айтиб юриш, фақат номард, уришқоқ, бебурдларга хос аломат эканлигини ёдингга сақла, ўғлим!

55. Ўғлим, - туш - шодлик, туш - гамгинлик аломатидан содир бўлади. ... Уйкуга кетиш олдида, ювиниб-тараниб: энг яхши, ширин онларни хотирага келтириш: ётганда, чап, ён томонга, юқорига қараб эмас, ётмоқ - ҳар қандай тушни ҳам, яхшиликка йўйиб, оқар сувга, ойнага айтмоқ лозим. Юсуф пайгамбар яхшиликка йўйсинлар», - деб юзга дуо тортмоқ ақидаси элда бор ўғлим!

(Давоми бор)
Эргаш АТОВЕВ
Навоий вилояти
Қизилтепа тумани
Тошрабат ш./х.

СПОРТЧИЛАР СУЛОЛАСИ

Самарқанд шаҳридаги Шохӣ Зинда мақбарасининг шундоқкина қарама-қаршида бир маҳалла бор. У шаҳри азимнинг машҳур ариқларидан бири - Оби Машҳад номи билан аталади. Оби Машҳад - ўзбек тилига ўғирилганда Машҳад суви, яъни жаннат суви, деганидир. Мана шу ариқ ўзининг зилол, шифобахш суви билан бир бора оламга машҳур бўлган бўлса, Оби Машҳад номи билан аталувчи маҳалла спортчилари унинг довруғини яна бир бора дунёга ёйдилар.

Маҳаллада спортнинг бу қадар равнақ топиши ўтган асрда шу ерда яшаб ўтган халқ полвони, курашчи Аҳмад бобо Ҳамроқуллов номи билан боғлиқ. У киши фарзандларининг барини, ҳатто қизларини ҳам турли касбларга йўналтирган бўлса-да, биринчи навбатда болаларининг спортга ўргатган, чиниқтирган. Полвон бобонинг тўнғич ўғли Мамажон айниқса спортга меҳр қўйди. Ёшлигидан отаси билан отга мингашиб, тўй-маъракаларга, турли мусобақаларга бориб юрган Мамажон спортнинг икки-уч тури бўйича довруғ таратди, машҳур спортчи бўлиб етишди. Бугунги кунда М.Аҳмедовнинг грек-рум кураши ва штанга сифатида бутун Ўзбекистон танийди.

Оби Машҳаддан оз эмас, кўп эмас 21 нафар спорт устаси, ўнлаб чемпионлар етишиб чиқибди Мамажон аканинг муносиб ҳиссаси бор. Ҳиссаси боргина эмас, бу - Мамажон аканинг меҳнати самараси. Сабаби, у кишининг чоғроқина ҳовлисида тош дейсизми, турник, штанга, кураш гилами дейсизми, ҳамма нарса мавжуд бўлиб, дастлаб маҳалла болалари ўқишдан, ишдан бўш пайтларида шу ерда шуғулланишар-

билан гавжум бўларди. Кейинчалик Мамажон ака маҳаллада барча шариоитлари муҳайё бўлган ёпик спорт мажмуи курди. Асосан хашар йўли билан бунёд бўлган бу иншоотга у киши бош ҳомий бўлди. Спорт марказида грек-рум кураши, самбо, кураш, тош ва штанга кўтариш ҳамда спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақа ва машқлар мунтазам ташкил этилиши яхши натижа берди. Юқорида айтганимиздек, маҳалладан 21 нафар спорт устаси етишиб чиқди.

Умуман, Самарқандда Аҳмедовлар хонадонини спортчилар оиласи, ҳатто сулоласи дейишди. Негаки, Мамажон аканинг онаси Зиёда, укалари Маҳмуджон, Ҳасан-Ҳусан, жиянлари Азиз, Карим, Хуршид, Алишер, Дилшод, Эркин, Давлат ва Жаҳонгирлар республиканинг машҳур спортчилари, чемпионлари саналишади. У кишининг бир эмас, уч ўғли ҳам спортчи.

Тўнғич ўғли Худоёр грек-рум кураши бўйича спорт устаси. СамДУ физкультура факультетини битириб, айна кезде шаҳар ҳокимлигида спорт ишлари бўйича масъул ходим бўлиб ишлаёттир. Ўртанчаси Шерзод ҳам спорт устаси. Бекзод эса ҳали университет талабаси бўлишига қарамасдан, грек-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Хонадонда Мамажон аканинг яна бир умиди тўрт ёшли Шаҳриёр улғаймоқда, миттигина бу спортчи ҳалидан акробатиканинг анчайин мураккаб машқларини маҳорат билан бажариб, кишини лол қолдиради.

Аҳмедовлар хонадонидан чиқар эканмиз, қани энди Ўзбекистонимиздаги ҳар бир оиладан ана шундай чемпионлар етишиб чиқса дея ният қилдик.

Хайрулла ХАМРОЕВ

- Тахририятга ўзим борсам ҳам бўларди-ю, аммо ор-номус йўл кўймади. Аёлидан нолиб юриш эркакка хос фазилат эмас, шунинг учун телефон орқали боғланишга қарор қилдим, - сўз бошлади кўнғироқ қилаётган йигит.

- Исмингиз, қаерданлигингизни билсам бўладими?

- Исми Шухрат. Ёшим 31да. Тошкент шаҳрида яшайман. Биринчи рўзгоримдан тиниб-тинчимадим. Бир нафар ўғилчам билан ажрашдик. Ўзимга ўхшаб оиласидан бахти куйган бир нафар ўғилчаси бор. Гулнора исми аёл билан турмуш курдик. Лекин оиламиз омонат.

- Инсон иккинчи марта ҳам хато қилиши мумкинми?

- Аслида мен Гулноранинг ширин сўзларига ошқ бўлгандим.

Тўйдан кейин у бутунлай ўзгарди. Ўртамизда битта фарзанд бор эди. Яна ҳомиладор бўлиб қолди. Боладан воз кечиш нияти борлигини айтганида мен бунга норози бўлдим. Аммо у ўз билганидан қолмади. Болани аборт қилдириб келгач, тоби қочиб қолди. Унинг аҳолини кўриб: "Онангизни кийинки кунга қўриб кел, ўзим бори олиб келаман", - дедим. У рози бўлиб, болаларни олиб онасиникига кетди. Беглиланган кун зарур ишим чиқиб қолди, хотинимни олиб келишга бора олмадим. Уч-тўрт кундан кейин борсам 85 ёшли Рисолат момоси касал бўлиб қолди.

Момо: "Агар менга қараб, маъракаларимни ўтказсанг, 3 хонали уйимни сенга васият қиламан", - дебди. Хотиним бу янгликни дарров қабул қилгач, Рисолат могога қарай бошлаган.

- Хотинингизнинг бундай қил-

мишига қандай қарадингиз?

- Уч хонали бизники бўлиб қолса ёмонми? Хотинимни онасиникига ташлаб келдим.

- Хуллас, 85 ёшли онахоннинг тақдирини нима бўлди?

- Аммо ана шу туйфайли, десан-

- Нега онангизнинг маслаҳати-га қулоқ солмайсиз.

- Биласизми бунда ҳам бир муаммо бор: Хотиним билан онамнинг фелъ-атвори келишмайди. Улар ўртасига тушавериб чарчадим.

- Хотинингиз билан очикчасига гаплашмадингизми?

- Болаларимни кўргани боргандим, қайнонам кизи билан гаплашимни таъқиқлаб, энди бу хонадонга қадам босмаслигимни таъкидлади. Уша ўзим яхши кўрган хонадондан қувилган куним кўчадаги телеграфдан хотинимга телефон қилиб: "Гулнора, нега ундай қилаяпсизлар, мен билан яшаш ниятинг борми ёки йўқми?" десам: "Бироз сабр қилиб, ўзингиз яшаб туринг", - деди.

- Аёлингиз билан қонуний никоҳдан ўтганмисиз?

- Йўқ!

- Нега?

- Биринчи хотинимдан оғзим куйиб қолгани учун бунисини санаб кўрай, дегандим.

- Ўртада фарзанд дунёга келса ҳамки, хотинингиз синовдан ўтмадими? Демак, унга ишонмайсиз, уни ўз оилангизга доимий рўйхатдан ўтказишни истатаймисиз-у, унга тегадиган меросдан умидворсиз!

Шундайми?

Кетма-кет ёғилаётган саволларга жавоб беришдан бош тортган Шухрат сукунатга чўмди. Сўнг: "Мен қандай йўл тутсам ҳаётим изга тушиб кетади", - дея мурожаат қилди.

Шухрат! Ўз оилангизни мустақамлашингиз учун аввало аёлингиз билан қонуний никоҳдан ўтинг. Сиз учун 85 ёшга кирган муштирап бир аёлингизни кутиб, унинг уйига эга чиқишни истаб яшагандан кўра ўз оилангиз тинчини ўйлаш афзалроқ. Шунда эркаклик ор-номусингиз топталмайди.

Нигора Йўлдошова

ЎЗ ТЕНГИМНИ ТОПДИМ

Кўнғироқларингиз...

- Сизни сўрашапти, - ҳаммасини менга қўзланиб гўшакни столга қўйди-ю, ўз ишига шўнғиди.

- Эшитаман, - дедим ким бўлди экан деган ҳаёлда.

- Алло, мени танияпсизми? - гўшакдан кўнғироқдек хурсанд овоз келди.

Бу овозни қачондир эшитганман, лекин аниқ эслаб олмадим.

- Танниманги тўрибман.

- Бу мен, "Сиз ҳали гўнчасиз" номили мақола қахрамони.

Мақоланинг қисқача тафсилоти узук-юлук ҳолатда эсимга тушди: "Ёшим 18 да... Оиласи бор, 3 фарзандли йигитни яхши кўриб қолдим... У хотинига кўнғилсиз экан... Аёли билан қонуний ажрашиб менга уйланмоқчи... Унинг нигоҳлари шу қадар гамгинки, сира ҳам кўз ўнгимдан кетмайди... Нима қилишга хайронман"...

- Ҳа, гўнча қиз, қалайсиз? - дедим хушимни тўплаб.

- Яхши, "Оила ва жамият"дан чексиз миннатдорман. Сизларнинг маслаҳатларингиз билан ҳаётим

изга тушиб кетди.

- Аниқроқ гапиринг, нима бўлди?

- Ўша оилали йигитни унутишим ниҳоятда қийин кечди. Гўё бир ўлиб, тирлигим десам муболага бўлмайди. Ҳаммасини тушундим, ўзимни қўлга олдим. Ҳозир ниҳоятда бахтиёрман. Мен ўз тенгимни, ўз бахтимни топдим. Ушанда сиз ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қилганингизда, гапларингиз бу қулоғимдан кибриб, унисидан чиқиб кетарди. Мени кечиринг.

- Тенгингиз ҳақида ҳеч нарса демадингиз.

- У маҳаллаамизнинг олд йигитларидан бири. Олийгоҳнинг 3 курс толиби. Хўшфелъ, меҳрибон, боз устига хўшсурат йигит.

- Тўй қачон?

- Тўй бўлиши керак эди-ю, азадор бўлиб қолдик, - деди қиз овози бирдан пасайиб.

- Кечирасиз, билмабман. Таъзиямни қабул қилинг.

- Раҳмат. Тўйга албатта айтаман.

Қиз билан хайрлашиб гўшакни қўйдим.

Ўз ўрнимга келиб ўтириб столим устида тахланиб турган хатларга қарайман. Булар шеър, дил изҳори, акс-садо, ва ҳоказо хатлар. Ҳар бири бир тақдир. Бу тақдирларга бефарқ қараб бўладими? Бундан бир неча ой илгари кўнғироқ қилган баяги қиз ҳам биздан мадад кутганди. Унинг жар ёқасида турган тақдирини асраб қолишга ёрдамимиз текканидан чексиз хурсандимиз. Мен шу топда хаялга толман - жон оғритиб, дилдан қуюниб яшаса қандай яхши деб ўйлайман мен.

Сиз нима дейсиз?

Т. НОРИМОВ

Ташрифларингиз...

- Энди нима қилмоқчисиз?

- Ажрашмоқчиман. Мен кўзлари жовдираб турган, чиройликина болакайга қарадим-да:

- Мана бу болажонга раҳмингиз келмайдими? - дедим. Аёл ўғлига қараб жим бўлиб қолди.

ЎЗ - ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ БАХТ

Эрталаб ишхонамиз эшиги олдида 5 ёшлар чамаси бола етаклаган аёл турарди. Ичкарига тақлиф қилдим. "Исми Шарофат, навоийликман" - деди у.

- Оилам бузилапти. Эрим билан ҳеч чиқишолмаяпмиз.

- Нима бўлди?

- Ёшлигимда бир йигит билан севишиб юрардик. Аммо ота-онам ўқиган, деб Абдулла (эрим) акамга уза-тишди. Мен ота-онамга қарши чиқолмадим. Эрим эса кимдандир менинг олдинги севгим ҳақида эшитиб қолибди. Шундан бери кун йўқ. "Кўнғилнинг бошқада, менга мажбуран теккансан. Ҳаёлинг унда", - деб мени азоблагани-азоблаган. Мен: "У бир ўткинчи ҳавас бўлган", деб тушунтираман. Баъзан тушунади, аммо ичиб олса, яна ўша гапларни кўзгайди. Орамиз борган сари совуқлашиб бора-япти.

- 5 йилдан бери яшаб 2 фарзандли бўлибсизлар. Бу эски дардларнинг қўзғашига ўзингиз имкон бермаяпсизми? Аёл ширин сўзи, орасталлиги, пазандалиги билан эри кўнғилига йўл топиши мумкин, менимча.

- Қайдам, ишқилиб тез-тез уришиб тураимиз. Онам "сени ажратиб оламан, қийналиб кетдинг", дейди. Кунни кеча катта жанжал бўлди. Уйдан чиқиб кетдим. Тўғри

ю: "Ота-онанг уйда гапимни икки қилдинг", - деб бақриб кетди. Менинг ҳам жаҳлим чиқиб кетди. Бақир-чақиримизга болаларим кўрқиб, йиғлай бошлашди.

Катта ўғлимни қайнонам ичкарига олиб кириб кетди. Эрталабгача уришиб чиқдик. Тонг пайти кичкина ўғлимни олдим-да, тўғри шу ерга келдим.

- Ҳаётнинг қийинчиликлари кўп. Лекин тирик етимлик мусибати ҳар қандай ғамдан ҳам оғирроқ. Сиз ҳозир ўзингизнинг тинчингизни ўйлаб нотўғри қадам қўймоқчисиз. Лекин болаларда нима гуноҳ? Тинч-тотув, аҳил бўлиш учун эр-хотиндан катта жасорат талаб қилинади. Сиз бўлсангиз битта болангизни уйда қолдираб, биттасини шаҳарма-шаҳар етаклаб сарсон қилиб юрибсиз?

Аёлга гапларим ёқмади чоғи, қовоғини сояиб, ўрнидан шартта турди-да, "Юр, кетдик", - деди ўғлининг қўлидан ушлаб. "Энди дадамнинг олдига борамизми?" - деди болакай кўзлари ёниб...

Мен жувонга: "Нима бўлганда ҳам ажрашманг. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади", -

дедим. У эса менга қарамай бошини бир-икки лиқиллатиб кетиб қолди.

Азизлар. Келинг бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Нима учун олдини олса бўладиган келишмовчиликлар, жанжаллар туйфайли оилалар бузилиб кетаяпти? Шарофат билан Абдулланнинг оиласи дарз кетишига нима сабаб бўляпти? Рашкчи эрми? Ажратиб оламан, деб далда бўлаётган онами? Ҳамма нарсага бефарқ қайнонамми? Ўғлига, ёшларга ўрнатилган бўлиш ўрнига, ёши бир жойга борса ҳам ичишдан уялмайди-ган қайнонамми? Уртада сарсон фарзандларни ким ўйлайди?

- Ҳаётнинг қийинчиликлари кўп. Лекин тирик етимлик мусибати ҳар қандай ғамдан ҳам оғирроқ. Сиз ҳозир ўзингизнинг тинчингизни ўйлаб нотўғри қадам қўймоқчисиз. Лекин болаларда нима гуноҳ? Тинч-тотув, аҳил бўлиш учун эр-хотиндан катта жасорат талаб қилинади. Сиз бўлсангиз битта болангизни уйда қолдираб, биттасини шаҳарма-шаҳар етаклаб сарсон қилиб юрибсиз?

Аёлга гапларим ёқмади чоғи, қовоғини сояиб, ўрнидан шартта турди-да, "Юр, кетдик", - деди ўғлининг қўлидан ушлаб. "Энди дадамнинг олдига борамизми?" - деди болакай кўзлари ёниб...

Мен жувонга: "Нима бўлганда ҳам ажрашманг. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади", -

дедим. У эса менга қарамай бошини бир-икки лиқиллатиб кетиб қолди.

Азизлар. Келинг бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Нима учун олдини олса бўладиган келишмовчиликлар, жанжаллар туйфайли оилалар бузилиб кетаяпти? Шарофат билан Абдулланнинг оиласи дарз кетишига нима сабаб бўляпти? Рашкчи эрми? Ажратиб оламан, деб далда бўлаётган онами? Ҳамма нарсага бефарқ қайнонамми? Ўғлига, ёшларга ўрнатилган бўлиш ўрнига, ёши бир жойга борса ҳам ичишдан уялмайди-ган қайнонамми? Уртада сарсон фарзандларни ким ўйлайди?

Хулқар ҲОТАМБОВА

ЧУМЧУҚНИНГ ҲАМ ИНИ БУЗИЛМАСИН

Ёшим бир кам саксонда. Турмушда кўп нарсаларни кўрганман. Етимликда ўсганман ўғай отам раҳматлик 7 ёшларимда менга унутилмас танбех берди (жойлари жаннатда бўлсин).

Мен кўчадан қолиб қириб, фалончи хола шундай иш қилапти, деб ғийбат сўзлаганимда. Отам менга: "Сен бу ёққа кел! Бурнингни қара оқиб турибди, шуни артиб ол! Бировларни бошқа сўзлама", - деб танбех берди. Ана шу танбех менга умрбод унутилмас "мақтаб" бўлди. Куч қувватим йўқ, зўрга қўлимга қалам олиб ёзапман. Манзуранинг ахволига ачинаиб, учта болани ўйлаб кечалари ухламай чикдим.

Эй, Манзуранинг турмуш ўртоғи, ҳурматли ўғлон! Дунёда ҳеч ҳам тўхматчиларга ишонманг! Агарда тўхматчи аёл яхши бўлганда, ўзини эрининг ҳам обрўсини ўйларди, у ўз эрининг ҳамма олдида обрўсини тўкди-ку. Нодон хотин экан. Агар эрини рашк қилган бўлса, Манзурани қақириб сен менинг эримни машинасига бошқа ўтирма деб огоҳлантирган бўларди. Иккала одамни қоралаб бир оилани бузиш йўлига кирган бўлса, бу аёлга лаянат бўлади. Ўзим мактабда 30 йил ишлаб, тарих фанидан дарс бердим. Синф раҳбари сифатида, ҳар бир ўқув-

чимни оиласини яхши билардим. Мактаб директорини менга кутубхонани олиб бериш, ўқувчиларни дарслик билан таъмин-

фикр келмасди. Уларнинг аёллари ҳам мени ҳурмат қилишарди. Агар шаҳарда автобус кутиб турсам шофёр кўшилларимиз, кўриб қолса машинасига ўтқазиб уйга олиб келишарди.

"Инсонни ўзи пок, сўзи пок, дили

«Тўхмат гапининг касофати» — 29-сон

ЭСЛАТМА: Бир куни Манзура ишхонасидан чиқса кўшнисининг эри ҳам эндигина машинасида кетаман деб турган экан. Кўшни Манзурага: "Юринг ола кетай", - дебди. Уйларига етиб, Манзура кўшнига раҳмат айтиб туриб кетибди. Буни кўрган кўшнисининг хотини дод-фарёд кўтариб, уларни ошшқ-маъшукликда айблаган. Охири аёл ниятига етиб ёшгина бир оиланинг дарс кетишига сабабчи бўлди.

МАХЛИЁ

лаш вазифасини топширди. Шунинг учун ҳам мен шофёр оталар билан яқин дўст эдим.. Уларга илтимос қилиб базадан дарслик китоблар олиб келардик. Ҳар бир шофёр (ўқувчиларимнинг отаси) менга ҳурмат билан қарар эди. Раҳматлик хоразмлик таксиси хайдовчи исми ёдидан кўтарилибди Жуманазаров менинг энг яқин ёрдамчим эди. Ҳар доим китобларни олиб келишда ёрдам берар, уларнига борсам хотини мени ёруғ юз билан қарши оларди. Ундан ташқари маҳалладаги бошқа шофёрлар ҳам китоб олиб келишда доим менга ёрдам беришарди.

Менинг ҳам у вақтда 4 та болам, эрим бор, шу эркак хайдовчиларнинг машинасига тушардим. Хаёлимга шу эркакларга нисбатан бирор ёмон



пок" бўлмоғи керак.

Ҳар нарсадан шубҳа қилиб, тўхматларни келтириб чиқариш бу нодонлик.

Ҳурматли ўғлим! Шунчалар сезни қадрингизни билган, болаларим, оилам деб яшаган Манзуранинг кўз ёшларини тўқтирманг! Уни ранжитманг. Мен Манзурани кўрмаган бўлсам ҳам унинг поклигига ишонаман.

Қарилкини, 3 та фарзандларингизнинг холини ўйланг! Бахтли оиланингизни тикланг! Тўхматчилар бундан галаба қилдим деб ўйламасин. Бунга йўл қўйманг, ўғлим.

Ғайнижамол
АБДУЛЛО КИЗИ
Тошкент шаҳри

Акс-сало

Ўз ҳалол ошини ҳаромга тенглаган, никоҳдаги покиза аёлни гўмон билан ифтизисликда айблаган, эрда ҳам, ҳам-соясига тўхмат тошини отиб, маломат ботқоғига итарган кўшида ҳам айб бор. Шу қаторда синглимиз Манзураҳонда ҳам айб бор. Уша кўшни аёлни рашкчилигини, ғийбатчи ва ёлғонга ошно эканлигини балки билгандир. "Синалмаган отнинг сиртидан ўтма", деганларидек, ёт эркак машинасида уйига бормаганида бу кўргуликлар бошига тушмасмиди? Манзураҳоннинг умр йўлдошига айтар сўзим бор.

Қадимда табиблар танадаги ярачаларни даволашда кунгабоқардан фойдаланганлар. Бунинг учун кунгабоқар барглари ва гулларидан тенг миқдорда олиб, аралаштирилади. Идишга солиб, устидан 70 фоизли спирт солиш керак, сўнг 3-4 ҳафта сақланади. Тайёр бўлган суюқликдан 30-35 томчини қайнатиб совутилган сувга соласиз. Ундан ҳар куни 3-4 марта, овқатдан олдин ичиш керак.

МОГОРЛАШДАН КУТИЛИНГ

Могорлаш (грибок)га қарши жуда яхши восита бор. 2-3 та ўртача пиёзни олиб, аринг, майдалаб тўғраб, кунгабоқар ёғида қовуриш. Совуғач, ёғни шиша идишга солиш, қовурилган пиёзни овқатга ишлатиш юбориш мумкин. Терингизнинг зарарланган жойига шу ёғдан суриш ёки ёғ шимдирилган пахта ёки бинтини қўйинг. Агар бармоқларингиз ораси жароҳатланган бўлса, у ҳолда пахтани улар орасига қистириб олинг. У муолажа соғайгунча давом эттирилади.

ЧИПҚОНГА ҚАЛҚОН

Танангизга чиққан яра ва чипқонларни йўқотиш учун - пиёз пусти қолдиқларини қайнатинг, совуғач, унинг устига худди шу миқдорда қоқийт барг-

ларидан қўшинг. Ҳосил бўлган аралашмага 1 ош қошиқ ун ва асал қўшинг. Ушбу малҳам билан жароҳат жойини 12 соат боғлаб қўйинг.

ПАРҲЕЗ УЧУН

Нонушта ва кечки овқатдан олдин ушбу маҳсулотни тайёрланг: 1 ош қошиқ гречкани кофе майдалайдиган мосламада ёки ховончада янчинг ва бир стакан қатикча аралаштиринг. Уни фақат бир марта ичишга мўлжаллаб тайёрланг. Ушбу дори-нинг эрталабкисини кечқурун, кечқурунгисини эрталаб тайёрлаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

СУТ ҲАМ ДОРИ

Мана 500 йилдан ортиқроқ вақтдан бери табиблар сутни турли хасталикларга қарши жуда яхши даво сифатида қўллаб келишади. Жигар касаллигида но-

МАСТОПАТИЯГА УЧРАСАНГИЗ

Мен жуда кенг тарқалган мастопатия касаллигига дуч келган аёлларга ёрдам бермоқчиман. Чунки ўзим ҳам ўз вақтида бу хасталик билан тўқнашганман.

Қадимдан ноёб ҳисобланган бир дори тайёрлаш усулини менга холам ўргатган эди. Кўкрак бези касаллигини даволашда жуда қўл келади. Аввало тузланмаган сарёғ, суюқ хамир ва туҳум оқсилени оласиз. Ҳаммасини бир хил миқдорда олиб яхшилаб аралаштирасиз. Сўнгра ҳосил бўлган аралашмани тўртбурчак шаклидаги бинтга суртиб, кўкрагингизга қўясиз ва пластр билан мустаҳкамлаб қўясиз. Муолажани бир ой давом эттирасиз. Бундан ташқари, кечаси тузли сувга шимдирилган қўй жунини ҳам қўйиб ётинг. Булар биргаликда касалликни яхши, асоратсиз даволайди.

БАРЧА ДАРДГА

Бизнинг оиламизда авлоддан авлодга ўтиб келаётган, барчага ёрдам берадиган рецелт мавжуд. Уни тайёрлаш учун керакли маҳсулотларни дориконалардан харид қилиш мумкин.

2,5 г ялғиз, 1,5 ганестизин, 1,5 г новокаин, 100 гр спирт. Барчасини қора рангли шишачага солиб, аралаштириб сўнг ишлатаверинг. Радикулитда, умуртқа погонангизга суртсангиз, оғриқ ўтиб кетади. Туз йирилган жойни ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта пахта билан яхшилаб артиш керак. Бизнинг "беғараз кўмакчимиз" айниқса кексаларнинг оёқлари азоб берган пайтларда асқотади. Ҳаттоки кучли анги-



БИР ДАВО

дан томогингизни у қулоқдан бу қулоқчага бўлган қисмига суртсангиз тезда енгиллашасиз. Бир сўз билан айтганда оиламизда ёшу қарини ҳар хил дардлардан ҳимоя қиладиган дори.

В.СОБИРОВ

Навоий вилояти

ҲАРОРАТНИ ТЕЗ ТУШИРАДИ

Жуда кўп марта синалган қуйидаги муолажани қўлласангиз тезда ҳароратингиз ўз ўрнига тушади. Тенг миқдорда ароқ ва олма сиркасини яхшилаб аралаштирасиз-да, шу аралашмага жундан барилан пайпогингизни ботириб, яхшилаб сиқиб кийиб олиб бир мuddат ўтирасиз, сўнг пайпогингизни ечмасдан яхшилаб ўраниб ётасиз. Пайпогингиз жуда тез қуриб қолади ва ҳароратингиз ҳам пасаяди. Пайпоқ сиздаги иссиқ ҳароратни ўзига тортиб олади.

ГУЛРУҲСОП

Гулистон шаҳри

АЛОЗ ВА ШАҚАРДАҲ ҚИЁМ

Болалигимда мени ангинога қарши даволашганини яхши эслайман. Энди ўғлимнинг томоғи оғриси, худди ўша муолажани қиламан.

Оғзи кенг шиша олиб унинг тенг ярмига алозининг майдаланган барглари билан, қолган қисмини шакар билан тўлдиринг. Оғзини оқ дока билан боғлаб, уч кун

сақланг. Тайёр қиём-сизнинг дорингиз. Уни бир кунда овқатдан олдин 3 маҳал катталар бир ош қошиқдан, болалар бир чой қошиқдан ичишлари керак. Муолажа натижасида шамоллаш тез ўтади, касалнинг умумий аҳволи бирдан яхшиланади, тез орада тузалади.

В.МЕҲМОАЛИЕВА
Фарғона шаҳри

ШАМОЛЛАШГА ПИЁЗ

Мен шарқона табобат усулларини жамлаб юрман. Сутга солинган пиёз суви шамоллашга қарши жуда яхши воситадир. Пиёз қирғичдан ўтказилиб, қайнаб турган сутга қўши-

лади. Аралашмани бир кунда 2 марта ичиш керак. Агар шамоллаш энди бошланган пайтда инсангиз, касаллик тез ўтиб кетади. Қайнатмага таъба кўра сарёғ, чой, асал қўшишингиз мумкин.

Р.АБДУРАҲМОНОВА
Чиноз тумани

КЎКАРГАН ДОҒЛАРНИ КЕТКАЗАДИ

Кўпинча йиқилганда ёки қаттиқ нарсага уриб олиш натижасида танада кўкарган доғлар пайдо бўлади. Бунда сизга сирка-уксус ва асал ёрдам беради. Уларни тенг миқдорда яхшилаб аралаштириб, лат еган жойга боғлаб қўйилади.

З.ТОЛИБЖОНОВА
Наманган шаҳри



АЁМАР УЧУН

Шалфей (маврак)ни кўпчилик яхши билади. Маврак аёллар ёшлигини сақловчи узоқ фитогормонларга эга. Айниқса маврак виноси фойдалидир.

У асаб системасини тинчлатирилади ва мустаҳкамлайди, шамоллашга қарши курашиш хусусиятига эга, яна бронхит хасталигига, аёллар климакс даврида жуда фойдали.

Винони тайёрлаш учун бир литр қуруқ қизил винога маврақнинг қуритилган баргидан 80 гр.ни соламангиз ва 10 кун шундай қолдирамангиз. Овқатдан сўнг тайёр шароб - 20-30 гр. ичилади. Маврак суюқлигини ароқ билан ҳам тайёрлаш мумкин. Бу айниқса кексаларга жуда фойдали. 0,5 стакан маврақнинг қуритилган ва янги очилган гулларидан олиб, 0,5л ароқча аралаштиринг. 40

ВИНО

кун куёш нурида қолдириш. Уни доқадан ўтказинг, қарабсизки, суюқлик тайёр.

Бир ош қошиқдан оч қоринга сув билан қўшиб ичиш керак. Махсус тайёрланган ушбу винони оддий вино билан адаштириб юборманг. Уни керакли меъёрда ичиш тавсия этилади. Кўпроқ ичиб юбориш ноуху ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини ёдда сақланг.

Д.МУРОДОВА

Хоразм вилояти

ОДДИЙ ТУЗ БИЛАН...

Бувижоним бизни даволаган бу муолажа жуда ҳам оддийгина бўлиб, томоқ оғриғида айниқса, безларнинг ишиби йиринглаганида асқотади.

Томоқ оғриши билан бир стакан қайнатилган илик сувга бир ош қошиқ туз солиб яхшилаб аралаштирилади. Ана шу суюқлик билан томоқ тез-тез чайиб турилади. Бу муолажа кунга икки-уч марта такоррорланса томоқ тузалиб қоларди.

РАЙҲОНА

Нукус шаҳри

Саҳифани ХУЛҚАР тайёрлади

Кеча ён қўшимизнинг қизи Дилдорага икки жойдан совчилар келди. Кувё бўлмишлар бе-гона эмас, шу маҳалланинг йи-гитлари. Санокул аканинг ўғли Мухсин еттита фарзанднинг тўнғичи. Ҳаммининг ҳаваси келадиган, ўқимишли, чиройли йигит. Рустам эса ферма муди-рининг ёлғизи. Уч опасидан кейин-инги эркатой. У ҳам ўзига яра-ша. Дилдораларниқига чиққа-нимда қиз бир четда йиғлар, ота-си дарғазаб, онаси эса хомуш ўтирарди. Лекин Санокул ака-нинг онаси Нозима кампирнинг жағи-жағига тегмайди.

- Хой, қиз ўлгур! Шундоққина бахтингни кўлдан чиқармоқчи-мисан? Тайёр уйи-жойи, тагида мошини бўлса!.. Уйланаман деса қишлоқдаги мана-ман де-ган қизлар жон дейди-я. Бу бўлса ноз қилармиш. Ё Ашраф трак-торчининг ўғлига тегмоқчимиз-сан? Уларсан-а, агар бир умр кўлинг жомашовдан чиқмасдан. Ўғли ҳам отасига ўхшаб мошин-ни тагида ётволди қовлагани-ковлаган. Ҳовлиси тўла темир-терсақ, оёқ босадиган жой йў-а, товба! Жума куни Рустамлар-ниқига оқ ўратворамиз, гап шу!

- Сен - деди келинига кўлини нуқиб. - Сандигингни оғин-да, кўрпа-тўшакнинг ҳаракатига туш. Кампир узундан-узок сўзини тугатиб ичкарига, намоз ўқига-ни кириб кетди. Ясатиғлик дастурхон четда ўтирган Санокул ака ҳам туриб молхонага йўнал-ди. Дастурхон олдида Дилдора-нинг онаси Гулсиной опа икки-миз қолдик. У менга чой қуйиб узатаркан дардини тўкиб солди.

Маймум бўлишича, Дилдора Ашраф аканинг ўғли Мухсин билан ахдлашган экан. Икки ҳафта бурун совчи юборибди. Нозима кампир эса уларга кўнмабди. - Бўлмайди. Бир этак чурвақа-си бор, қачон уларни катта қилади-ю... Қачон бири икки бўлади, - деб қайтариб юборибди. Бугун эса Мухсиннинг совчи-ларини ноумид қайтариб, Рус-тамларниқидан келган совчиларга жума куни келишларини, жа-вобни шунда айтишни ваъда қилибди.

Мен Дилдорага совчи қўйган йигитларнинг ихисини ҳам та-нирдим. Ажаб! Мухсин ҳар қан-дай ишинг удрасидан чиқади-ган, кўркам, дилкаш бир йигит эди. Рустам эса... У чиндан ҳам бадавлат оиланинг ёлғизи. Исми жисмига монанд, марғур, андак димоғдорроқ йигит. Унга атаб ота-онаси аллақачон уй-жа қуришиб жиҳозлашган. Ма-шинаси ҳам бор. Дилдорани севишини ҳам бутун қишлоқ ахли биларди.

Бироқ, Мухсиннинг севгиси сеҳрли, дилбарроқ ва сирлироқ эди, назаримда. Рустам бор дунё-сини Дилдоранинг оёқлари остига сочиша тайёр бўлса-да, Дилдора уни кўришни ҳам иста-масди. Кўнган-да...

Бу кунги кўрганларим, эшит-ганларим эса ёшлигимдаги во-қеаларни ёдимга туширди. Дил-доранинг аҳолини тушундим. Унга Рустамнинг бойлигидан ҳам Мухсиннинг пок севгиси афзал-лигини ҳам тушунардим. Бир пайтлар ўзимни ҳам бир йигит Махжундек севганди...

Ҳаёл мени талабалигимнинг олтин даврига қайтарди...

Бир куни одатдагидек дарсда ўтирардик. Аудиториямизнинг эшиги очилиб деканамиз қўринди. Унинг ордидан бир кўлида дипломат кўтарган, ик-кинчисида матросча шапкасини ушлаб олган бир йигит келар-ди. Деканамиз йигитни, яъни, янги курсдошимизни таништир-

гач чиқиб кетди. Дарсдан кейин йигит-қизлар янги курсдошимизнинг атрофи-ни ўраб олишди. Исми Камол экан. Камолнинг елкалари кенг, қошу кўзлари ниҳоятда чиройли, келишган йигит эди. Бирпасда шивир-шивир бош-

қилардим.

Шундай қилиб ўқишлар тугаб, таътилга чиқдик. Ҳаммамиз ҳар-томонга тарқалидик. Мен тоққа, қишлоққа кетдим...

У ерда иш кўп эди. Сигиримизи-ни бузоққаси билан ҳар куни арзаозроқ ўлатгани олиб борар-

лади. Баъзи қизлар унинг учун кийинишар, атайлаб биз билан, гуруҳдошларимиз билан дўстла-шишарди. Камол эса муҳаббат ҳақида ҳар куни доскага форс ти-лида шеър ёзарди. Йигитга ачи-нардим. Чунки, унга нисбатан юрагимда заррача муҳаббат учк-

ҳақоратларни кутмагандим.

- Мана сенга ёввойи пишак! - деб юзига бир тарсаки тушир-дим. Камол қотиб қолди. У ҳам мендан бунни кутмаганди. Уч мар-та юзига тарсаки туширдим. Тўртинчисини ураман деганим-да у кўтарган кўлимини ушлаб олди. Кейин... лабларига босди...

Унинг кўзларидан оққан ёшлар-ри бирпасда кўлларимни ҳўл қилди. Мен бир силтаб кўлими-ни тортиб олдим. Жирканган-дек, енгим билан кўлимини ар-тиб, ичкарига югуриб кетдим. Унинг лаблари теккан жой қуй-дириб юбораётгандек туюларди.

Орадан кунлар ўтди. Бу орада ўқишлар ҳам камайиб, қишқи синовларга тайёргарлик кўра бошлагандик. Камол ўқишларга қатнашмай қўйди. Янги йил ара-фасида биз курсдошлар билан йиғилишиб суратга тушдик. Сўнг бир-биримизга янги бахту саод-дат, соғлиқ ва хушқайфият ти-лаб хайрлашдик.

Мен эса 31 декабр куни қиш-лоққа кетишим керак эди. Бо-зорга кириб онам тайинлаган майда-чуйдаларни харид қил-дим. Сўнг метрога қараб кетдим. Анча кеч қолаётганим учун шо-шиб-пишиб тез-тез юриб бо-рардим. Бунинг устига қор учк-унлай бошлаганди.

Метрога кираверишда мени кимдир чақирди. Қарасам... Ка-мол! У кўлида қозғога ўралган катта бир нарсани кўтариб ил-жайиб турарди.

Кийимлари, ранги-рўйи ҳам бир аҳволда...

- Салом, яхшимисиз... Тўхтанг, Мафтуна кетиб қолмаг, илти-мос... Сизга гапим бор эди... - деди у.

- Мен сал шошилаётгандим-да, кейинроқ айтарсиз, - дедим эн-сам қотиб.

- Йў! Шу бугун! Ҳозир айти-шим керак! - деди у ҳам қай-сарлик билан.

- Майли айтинг, - дедим нои-лож.

- Биласизми сизни севаман. Сизни кўрмасимдан олдин ҳам тушларимга киргансиз. Аудито-рияда илк бор сизни кўрганам-да тушлар ҳам ўнгидан келиши-ни кўриб ҳайратга тушдим. Ҳаётимдаги кўп нарса тушимда аён берарди. Тўғри, сизни хафа қилиб қўйдим. Лекин, сизни бахтли қилишим учун нимани истасангиз ҳаммасини муҳайё қиламан. Фақат, менга турмуш-га қишга розилик берсангиз бўлгани, - деди у энтиқиб.

- Камол! Агар менинг айтгани-ми муҳайё қилишни истасангиз йўл беринг, ўтиб кетай... Чунки охириг автобусимиз кетишига бир соат қолди. Кетолмай қол-сам, уйдагилар ҳавотир олиша-ди.

- Сиз шунчалик тошбағирми-сиз-а? Наҳотки сизда қалб де-ган нарс бўлмаса... - Камолнинг овози титтарди.

- Рост! Менда айнан қалб йўқ, сизни ҳурмат қиламан, аммо... Сева олмайман-да, тушунсан-гиз-чи. Мен умуман ҳеч ким-ни севган эмасман. Кейин... Сизга ваъда ҳам бермагандим, - пинагимни бузмай гапирар-дим, мен.

- Майли начора! Ҳеч бўлмаса мана буну... - У чўнтагидан чи-ройли кутча чиқарди-да менга узатди.

- Шунга эсдалик учун олинг. Кўлимини қайтарманг... У илти-жо билан қараб кутчани узат-ди. Илтифот юзасидан олиб оч-дим. Ичида олмос кўзлар ўрна-тилган тилла соат ярқираб ту-рарди.

(Давоми бор.)

Басира САЙДАЛИЕВА

МЕНГА АТАЛГАН ТУШЛАР

Ҳасова

ланди. Гуруҳимизнинг барча қизлари уни ўраб олишди. Исmlарини ай-тиб ўзларини таништи-ришди. Мен эса пинагим-ни бузмай курт шимиб ўтирардим. Чунки, йигит-нинг кирган заҳоти (мен биринчи партада ўтирар-дим) менга тикилиб қоли-ши энсамни қотирганди. Дарс тугагач ҳаммадан аввал югуриб чиқиб кет-дим. Уйга тез бормасам бўлмасди. Сал кечиксам аммам кўчанинг бошига келиб ўтириб олар, бу эса менинг жаҳлимни чиқар-рарди.

Эртасига дарсга анча олдин келиб доскада араб имлосини машқ қилаёт-сам ўша кечаги янги кур-сдошимиз кириб келди. Саломлашди.

- Ассалому алайкум, курс-дош. Исмингиз нима? - деб сўради.

- Мафтуна!

- Во ажаб! Бунча гўзал исм экан, - деди-да, сўнг:

- Сочингиз нечта? Қирқтами? Ким ўрган, оингизми? - дея мени саволларга қўмиб ташлади. - Сочим 29 дона. Онам ўриб қўйган! Яна саволларингиз бор-ми? - дедим кўрслик билан. У эса: - Нега кўполлик қиласиз? Ко-линг, самимий гаплашайлик. Син-гилчаларимнинг сочларини мен ўзим ювиб, ўриб қўяман-да, шун-га сўрагандим, - деди гуноҳро-рона.

Бу орада аудиториямиз курс-дошлар билан тўлди. Ўша куни дарсимиз бўлмади. Шунда гуруҳ-бошимиз Содик ака:

- Келинлар, бугун шеърят дар-си қила қолайлик. Севги шеър-ларидан ўқиймиз. Ахир орангиз-да севишганлар ҳам кўпдир, - деди жилмайиб.

Аваллига тортиниб ўтирдик. Кей-ин эса ҳеч кимни тўхташиб бўлмай қолди. Ҳаммининг шеър ўқигиси келиб кетди. Мен Эрон шоира-си Фуруғи Фуруғзоданинг "Ғам-ли Ғам" номли ғазалини ўқиб бердим. Бунни қарангки, Фуруғ-зоданинг мен севган иккинчи шеърини Камол чиқиб ўқий бош-лади. У чиройли ўқиркан. Ҳамма махлиё бўлиб қолди. Мен ҳам лол эдим. У шоирани унча-мунча та-лабалар билмасди-да, ахир!

Шундан сўнг у билан сал-пал гаплаша бошладик. Кейин фар-ғоналик Хонимгул билан бўлган можарога гувоҳ бўлдик. Хоним-гул Камолни ҳаммадан қизганар-ди. Камол ўзини қизлар ёқтири-шини сезарди ҳам. Бироқ у ҳамма қизларга бирдек муомала қилар, меҳрибонлиги, самимий-лиги билан барчага ёқиб қолди.

Ғиёс деган бизга қўшни туман-даги йигит билан дўстлашиб оли-шибди. Йил охиригача у ҳамма-нинг сирдоши, дўстига айланди. Камол билан ҳамма қатори сўра-шиб юрсам-да, барибери унинг мендан чўчишини сезиб ҳузур



дим. Ва у ерда соатлаб тоғни, осмонни, тоққа туташган кўлни томоша қилиб ўтирардим. Қал-бим эса шу қадар завққа тўлар-дикки...

Бир куни сигирни етаклаб ке-лаётсам маҳалламиз бошида ке-лаётган почтани кўринди. У мен-га бир конверт тутказди. Уни бир кўлимда айлантириб кўрдим-да. Чўнтагимга солиб қўйдим. Кечку-рун ўқирман, деб ўйладим.

Сигирни соғиб бўлиб уйга кир-ганимда мактуб эсимга тушди. Жуда чиройли хуснихат билан битилган экан, аммо кимданли-ги номаълум эди. Афсусам пир бўлиб варақнинг орқасига қара-дим. Қарасам Фуруғзоданинг Ка-мол ўқиган шеъри! Ҳайрон бўлдим. Уни йиртиб деразадан улуктирдим. Ўқишларимиз бош-ланганда ўша мактуб эсимда ҳам йўқ эди. Камол эса:

- Нега жавоб ёзмадингиз Маф-туна? Ҳар бир кун йилдек узоқ ўтди-я мен учун, - деди хўрсин-иб.

Бечора! У гуруҳимиздаги деяр-ли барча қизларга ёкарди. Ле-кин у... Мен ўша пайтлар севги-ни тан олмасдим. Кўйлагимнинг этагига тегадиган узун сочларим, шаҳарлик қизлар киймайдиган дўппим, қошимдаги ўсма... Бу-лар кимнидир ром этишни мум-кинлигини ҳам билмасдим. Бора-бора Камолнинг менга бўлган севгиси гуруҳдагиларга овоза ҳам бўлди. Бу вақтга келиб Ка-мол қўшни факультетдаги қиз-лардан ҳам мактублар ола бош-

ди. Камол менга ҳар кун хат ёзарди, жавоб кутарди. Гу-руҳбошимиз Содик ака эса:

- Шундоқ болани хароб қила-япсан-а, ёввойи қиз! Унинг ни-маси ёмон-а? Бошқалар-ку, Ка-молнинг бир боқшига зор. Сен эса... Хайф-е... Сендек қишлоқи-га бу йигит, - деб койирди.

Нима қилай, мен шундай эдим-да. Орифжон исмли бир ёқим-тойгина курсдошимиз бўлар, шу билан сирлашардим. Бир куни ялиндим: - Орифжон, шоирга айтгин. Менга ҳадеб мўлтаявермасин. Жуда безор қилиб юборди-ку, - дедим. У қулди: - Ҳўп, айтаман, - деди. Эртасига иккисининг бошлаган чиқиб ке-тишайтганини кўрдим. Улар боққа ўтишди. Иккисининг ўтиргилар-да гаплашайтгани аудиториянинг деразасидан кўришиб турарди. Ни-манидир қуйиб-пишиб гапирёт-ган Орифжон тўхтади. Камол эса қизишиб ниманидир уқтира бош-лади. Уларнинг ёнларига бошқа-лар ҳам кела бошладилар. Бир пайт Камол Орифжонни қулоч-кашлаб ўриб қолди. Жоним чиқиб уларнинг ёнига отилдим. Дераза ёнига тўпланиб олган йигит-қиз-лар ҳам кўчага шошилишди. Мен бир лаҳзада уларнинг ўртасига тушиб олгандим. - Нимага урасан? - дедим ғазаб билан Камолга. - Сен сабаб... - Нимага урдинг, ярамас? - Сен, сен, сабабсан!.. - хай-қирмади Камол. - Нимам, қаерим ёқмайди сенга, ёввойи пишак? Элчи юбордингми, ҳали? - у йи-ларди. Мен ундан бундай

КУЛГИ ДАРАХТИ

Яқин Шарқ мамлакатларида галати мевали дарахт бор. Маҳаллий халқ ажойиб хислати учун уни "кулги дарахти" деб атайд...

"САЪХАТ" ҲАҚИДА

Жанубий Америкада селаниелла деган ажойиб бир ўсимлик бор. Қурғоқчилик бўлганда илдизларини ердан йиғиштириб...

Жаҳон оммавий ахборотлари тарқатган шохдор бола ҳақидаги хабарларни ўқиб, гап узоқ ўтмиш афсоналари ҳақида кетаяптимикин...

АФСОНА ЭМАС



ҲАҚИҚАТ

япти. Бола ҳозир 10 ёшда. Ота-она Дино ва Люгия Милон ўғлимининг бошқалардан ҳеч қандай фарқи йўқ...

Марказий Американинг Панама канали раёонида галати бир дарахт ўсади. Бу дарахт мевасининг шакли шамни эслатади...

ШАМ



Маҳаллий аҳоли бу дарахт мевасидан уйлари ёритиш учун шам ўрнида фойдаланишади. Шу сабабли ҳам у "шам"

...СОҚОВ ГАПИРДИ

Бу воқеа Саудия Арабистонида яшовчи 25 ёшли қиз ҳаётида содир бўлди. У беш яшарлигида соқов бўлиб қолган эди. Қизнинг ота-оналари ундан икки марта катта ва ниҳоятда бадбашара қувв топиб...

СЕЗГИР ИЛОН

Ҳарорат ўлчайдиган термометри ҳамма биледи. Аммо фанда ва айрим сановат корхоналарида шундай нозик асбоблар борки, ҳароратнинг сал ўзгариши ҳам уларнинг тўғри ишлашига ҳалақит бериши мумкин экан...

ЎПИШҚОҚ ОДАМ

Ваалу исмли кимса умрида юра олмаган. Чунки унинг оёқлари теккан жойга ёпишиб қолади. Шунинг учун сал тикроқ дарахтларга ҳам қўл билан ушламай чиқа олади. Кўчада турганида оёғида

махсус ботинка бўлади. Унинг оёғи терлаб туради ва шу терлар елимга айланади. Одамлар ушбу елимдан ҳатто ёғоч буюмларни ямаш учун ҳам фойдаланадилар.

Москвалик Наталья Турчинани табиатнинг чинакам мўъжизаси, дейиш мумкин. Боиси бундан йигирма уч йил муқаддам дунёга келган чақалоқни қўлга олган шифокорлар ҳам, онаси ҳам даҳшатдан лол қолишди, чақалоқнинг орқа томонида кичкинагина, лекин ростмана думликлаб турарди. Йиллар ўтиши билан шифокорлар тилда атавизм деб аталадиган қизнинг бу аъзоси ўсаверди. Қизча ҳар қанча яширмасин, жарроҳлар думчани бир неча марта кесиб ташлашмасин, у ўсишдан тўхтамапти.

Келган одамлардан 18 нафарини ахтариб топди. Улар билан ҳат ёзишиб туришади. Думли қиз ҳақида хабар топган суратқашлар, режиссёрлар уни тасвирга туширишга жон-жаҳдлари билан уринишмоқда. Аммо бирон бир натижага эриша олмаганлари йўқ. Агар Наталья бунга розилик билдирса, унга катта пул беришга ҳам тайёрмиз, дейишяпти. Мурманский бир йигит унга уйланмоқчи бўлиб юрибди. Наталья эса Краснодардан меҳмон кутяпти. Меҳмон аёл ҳам атавизм билан турилган бўлиб, думининг узунлиги 18 см. га етади.

Мўъжизамо ёки... АФСОНА

Хан исмли кимса умри давомида нон нималигини билмаган. Айтишларича, у беш ёшгача кўкрак сутти билан, сўнг эса ҳар хил гиёҳлар билан озиқланган. У чой ёки бошқа ичимлик ичмаган, фақат совуқ сув ичган. Роса тобига келганда ун килогача ҳар хил гиёҳлардан худди сизгирга ўхшаб ёвверган. У қишин-ёздин дастурхонда янги қўкатлар бўлиши учун ҳаракат қилган. У ўтларни пичоқда майдалаб кейишни ёқтирган.

Итми бу ёки... Итми бу ёки... Итми бу ёки...

Узоқлар ҳам сезади... Капалакларнинг ҳид билиш қобилияти шунчалик ривожланган эканики, ток қурти капалагининг эркаги урғочисининг ҳидини ҳатто 10 километр йироқдан ҳам сеза оларкан.

Қазидаракли... Қазидаракли... Қазидаракли...

Қазидаракли... Қазидаракли... Қазидаракли...

КАКОС

Маълумки, кактус манзарали ўсимлик. Аммо бу ўсимлик Мексикада истеъмол қилинадиган аънавий ўсимликдир. Мамлакат пойтахтидан унча узоқ бўлмаган жойда Малпа Алла қишлоғи бор. Бу қишлоқнинг атрофи ўн беш квадрат километргача кактуслар билан қопланган.

Ҳар йили маҳаллий аҳоли бу тиконли ўсимликдан тайёрланган овқатларни ейиш буйича байрам ўтказадилар. Тиконларни олиб ташлаб, кактусни ҳар хил дориворлар, ачиқ қалампир ва саримсоқпиз қўшиб қайнатадилар. Кейинги аънавий байрамда кактусдан тайёрланган мармелад ҳам намойиш қилинган.

СИГИРМИ

XVII асрда Испанияда яшаган Клавдия исмли аёлнинг рекордини шу кунгача ҳеч қайси аёл янгилай олмаган. Унинг тўққиз нафар фарзанди бўлган. Ҳар куни тонгда туриб улардан тўрт нафарини амизарди. Тўртталасининг фарқи бир ёшдан бўлган. Уларни сутта роса тўйдирганидан сўнг ҳам сийнаси сутга тўлиб, оғритарди. Шунда Клавдия тўрт литрли идишда сут соғиб ташларди. Орадан уч-тўрт соат ўтганидан кейин яна сийнаси тўлиб қоларди. Яна болаларини амизарди. Улар роса тўйдирганидан сўнг тўрт литрли сутни соғиб ташларди. Бу ҳолат кечкурун ҳам давом этарди. Демак, у ҳар куни ўн литрдан ортиқ сутни соғиб ташларкан. Клавдия 92 ёшга кириб вафот этган. Ана шу ёшида ҳам сийнасида бир литрдан ортиқ сут бўлган ва ҳар куни соғиб ташлаган экан.

ШОХЛИ ИЛОН

Биз ўйлаимизки, шох фақат туёқли ҳайвонларда бўлади, деб. Илон ва турдаги шохли бақаларда ҳам шох бўлар қурбақа яшайди. Шимолий Африкада Уларнинг ҳам қўзи шохли илон яшар экан. устида унча катта бўлмаган иккита устида иккита шохчаси бор. Шунинг учун шохчалар қурбақанин Жанубий Америкада 16 юқори қовоғидан ўсиб озиқланади.

ИККИ ҚОРАКЛИ

Ботсванада оддий 80 килоли, буйчан одамга икки баробар келадиган ўсимир яшайди. Унинг иккита юраги бор. Бири одатда гидек чап томонда, иккинчиси ўнг томонда. Ички органлари ҳам оддий инсонникидан икки марта катта. Энг ажабланили, унинг қорнида икки гўдак жуда секин ривожланмоқда. Бу мамлакатда худди шундай ана бир йигит яшайди. Унинг ҳам икки юраги бор. Ана шу юраклари уни кундузи ишчан, ақлли, кечкурун эса баджаҳл, дангаса қилиб қўяди. Олимлар уларни қузатиб ҳеч қандай хулоса айта олмаптилар.

ҚОВОҚ ДАРАХТИ

Американинг тропик худудида, Мексикада, Африканинг ғарбида, Филиппин оролларида қовоқ дарахти ўсади, у паллақ отмайди, аксинча бўйи 10 метрдан ошадиган дарахтдир. Меваси шарсимон, пўсти қаттиқ, қўқ рангли, катталиги ва қўриқлиги ошқовоқнинг ўзгинаси. Меваси айрим ҳолларда думалоқ ёхуд чўзиқ бўлади. Уруғидан илон чақанларни даволашда, ички қисми дори сифатида ишлатилади. Пўстидан уй-рўзгор буюмлари тайёрланади. Мевасининг ичини тозалаб, қаттиқ пўстлогига нақшлар солиб пие́ла, коса, хурмача сингари идишлар тайёрланади. Шунингдек, ундан, мусиқа асбоблари ҳам ясаш мумкин.

НОЁБ ДАРАХТЛАР

Хитойда сирли учта дарахт ўсади. Ҳар бири ўзига хос хосиятга эга. Бирининг шохли синдирилса, ёки япроғи узилса, ўша жойда мой акралиб чиқади. Бу майдан овқат тайёрлашда бемалол фойдаланса бўлади. Иккинчи хилининг тана...

ҚАЗИ ДАРАХТИ

Қазидаракли Африканинг тропик зонасида ўсади. Қизиги шундаки, унинг меваси цилиндр шаклида бўлиб, бўйи 50 сантиметр, диаметри 10 сантиметр, ташқи қўриқлиги ливер қолбасасига жуда ўхшайди. Шу боис бу ўсимлик русчада, "қолбасоноқ дареве", ўзбекчада "қазидаракли" деб ном олган. Бошқа тилларда ҳам қолбасоноқ дарахти деб юритилади.

ПАШШАНИНГ ХИД

АҚШнинг "Форд мотор" фирмасида пашшанин хид билиш аъзосидан фойдаланиб, махсус асбоб-детектор ясалган. Унинг ёрдамида сув ости кемаларида, космик кема кабиначларида оз миқдорда тўпланган захарли газларни ҳам аниқлаш имкони туғилади.

Ҳар қандай ота сингари бу янгиликдан даҳшатли қувондим.

Аёлларнинг ишлаши оила бахтини емирати, деб таъкидлашлари қурқ сафсата. Мен бунди ўз бахтли оилавий ҳаётим мисолида исботлашнинг мумкин. Четдан мамлакатимизга демократия ютуқларини импорт қилиш натижасида ва сайловолди нутқларининг мўл-кўллиги шарофати билан депутатларни сайлаш осон, яшаш эса мушкуллашиб қолди, мен ишловчи аёлга уйланишга мажбур бўлдим.

Хотиним сергайрат ишни, кофта ёки жемпер тўқидан бўшган пайтларини ҳамкасблари билан жанжалга бағишлайди. Мен газеталарнинг бирини кечаси ишлайман.

Биз турмуш қуришга қарор қилган кунимиз хотиним банкдан оттул олди. Мен эса, тунда ишласам-да, ўша кунни ухламадим. Заг бюросига бордик ва турмуш қурдик. Ўша кун кечқурун севимли хотинимни бахтли уямизда қолдириб редакцияга кетдим. Эрталаб уямизга қайтиб хотиним хобхона эшигига илган ёзувни кўрдим:

"Азиз эрчам!
Банкка кетдим. Кўзларингдан ўпман".
Кўзларимда ёш билан хотинимнинг хатини ўқидим. Кейин ётдим. Кечқурун уйғондим. Жонгинам ҳали ишдан қайтмаганди. Редакцияга кетаётгани мен ҳам хотинимга хат ёздим ва ўша жойга илдим.

"Шириним!
Мен кетяпман. Ишга кеч қолишдан қўрқаман. Ёноғингдан ўпман".

Эртаси эрталаб биз тагин қўришмадик. Аммо садоқатли хотиним менга қўмондоннинг жанг олдидаги буйруғидай қисқа, лунда, илиқ хат қолдиришни унутмаганди:

"Жонгинам!
Мен кетяпман. Минг, минг, минг марта ўпман".

Мен дарров жавоб ёздим:
"Азизим!
Хатингни олдим. Катта раҳмат. Лабчаларингдан ўпман.

Эринг Хасан Кафадон".
Шундан бошлаб хотиним билан хат орқали ўпишиб, хат орқали қучоқлашардик. Турмуш қурганимиздан уч ой ўтгач, ёзилиб ўша жойга ёпиштириб қўйилган хатда шундай дейиларди:

"Кадрдоним!
Хатларинг учун минг бор ташаккур. Мен ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман ва сенга ҳам шуну тилайман. Қувончли хабарни ет-

казишга ошиқяпман. Мен сал-пал хромилдорга ўхшайман, аммо хавотирланишга арзийдиган даражада эмас. Врачнинг айтишича саккиз ойлик бўлибди. Фарзандимизни жамият учун фойдали аъзо қилиб ўстиришимиз учун қўлни қўлга бериб янада қаттиқроқ тиришиб ишлашимиз керак. Менга қара,



Орадан бир неча йил ўтгач, хат ёзишни бутунлай тўхтатдик. Аммо хонани йиғиштираётиб радиопиёмник ёнидаги оқватланадиган столдан топилаган лайпоқ ва комбинацияларга қараганда хотиним мунтазам уйга келар эди.

Бахтли оилавий йилларимиз шундай ўтди.
Бир кун ишдан чарчаб кинога бордим. Кинотеатр кираверишида гаройиб воқеа содир бўлди. Қандайдир барваста аёл тўсатдан бўйнимга ташланиб қолди:

- Азизим, қимматлим, кадрдоним!
- Кечирасиз, хоним афанди, - дея чайналдим мен, - мен оилали, оила-нинг отасиман, ўзингизни қўлга олинг. Мен эржа берилишни ёқтирмайман.

У эса деди:
- Мени танимадингми? Уят эмасми? Мен сенинг хотининг Покиза Кафадоним.
Мен қаттиқ довдираб қолдим.
- Демак, сен севикли хотиним Покизасан? Кечир, дарров танимабман. Сени кўрмаганимдан бери жуда ўсиб кетибсан.

У буй-буйга қараб тизилиб турган учта бола - бир қиз, икки ўғилни кўрсатди ва деди:

- Манавулар бизнинг фарзандларимиз.
У севимли кизим қўлогига шивирлаганини эшитмаганликка солдим:
- Вой, ойижон, дидингизни қаран-а! Нахотки, бизга чиройлироқ ота тополмадингиз?

Кейин у болалар ёнида турган олифтани кўрсатди ва деди:

- Бу амаким.
Орадан шунча йиллар ўтди, биз ўз оилавий ҳаётимиздан мамнунмиз. Агар ишламайдиган хотинга уйланганимда, кеча-ю кундуз жанжаллашган бўлардик. Мана, уйланинганимга шунча йил бўлдию орамизда оилавий бахтимизга соя соладиган ҳеч нарса юз бергани йўқ.

Бир-биримиз билан қўришишга вақт тополмаганимиз учун баҳслашмаймиз, уришсиз, тинч, осийшша, хафагарчилик ва драмаларсиз яшаб келмоқдамиз.

Менинг тажрибам аёлларнинг ишлаши оила бахтига тўғаноқ бўлмаслигининг ажойиб тасдиғидир.

Ориф ФАРМОН
тайёрлади

ИШЛАЙДИГАН ХОТИНИЧ

Азиз Несин

КИНОТЕАТР



унутма, тез-тез хатларингни кутаман.

Сенинг Покиза Кафадонинг".

Ҳар қандай ота сингари бу янгиликдан даҳшатли қувондим. Ўша заҳоти жавоб ёзиб хобхона эшигига ёпиштириб қўйдим:

"Менинг фариштам!
Чексиз ҳуосандман. Сенга совғага брошка олдим, ёстиқнинг тагидан толасан. Минг, минг, минг марта ўпман!"

Албатта, вақтлар ўтиб одам бир-бирларига кўникади ва секин-аста кескин совий бошлайди. Биз ҳам оилавий ҳаётга ўргандик ва баъзан бир-биримизга қамроқ ҳамқўрлик қилар эдик. Баъзан хат ёзиш унутардик, баъзан ёзилганини илб қўйишни.

Мезон 22 сентябрдан 20 октябргача, 29 кун давом этади. Ушбу ойда ўзбекча "Тарозин" ва форсча "Тароз" номи билан аталувчи бурж ҳукмронлик қилади.

Ҳижрий - Шамсий йил ҳисоби-га кўра мезон буржи бодий (куз)нинг биринчи ойи саналади. Айни пайтларда эрта сахар, тонг қоронғусида само ёриткичларига нигоҳ ташласангиз Кўёш йўлининг 180-210 даражаларида турувчи Тарози юлдузлар туркуми осмон гумбазининг қоқ ўртасида чарақлаб туради.

Мезон дохил бўлган пайтда кеча билан кундуз тенг 12 соатдан бўлади. Ой давомида ўртача ҳарорат 16-20 даражани ташкил этади. Баъзи йиллар табиат бу қоидага бир қадар ўзгаришлар киритиши, яъни ҳаво анча иссиқ ёки аксинча совуқ кетиши ҳам мумкин. Мезоннинг ўрталари ва охирида совуқ кунлар, ҳатто дурустгина ёғингарчиликлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Манбаларда 1949, 1957 ва 1985 йилларнинг 12 октябрида (22 мезон) ҳатто биринчи қор ёққанлиги қайд этилади.

Ёғингарчилик бу ойда ўртача 20-25 миллиметрни ташкил этиши керак. Аммо куз эрта тушадиган йиллар бу кўрсаткичнинг уч-тўрт баравар ошиб кетиши ҳам ҳеч гап бўлмай қолади. Умуман, мезонни ёз билан қиш ўртасидаги аросат дейишарди қадимийлар.

Халқ ҳисобдонлари об-ҳавонинг мана шу томонлари, шунингдек, ўзларининг кўп йиллик кузатишлари, тажриба ва ху-

лосалари асосида мезон ойининг ўзига хос ҳислат-хусусиятларини, дехқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ҳамда бошқа соҳалардаги ишлар муддатини аниқ, тўғри ва пухта белгилаб, унга оғишмай амал қилганлар. Бу ҳақда кўпгина ҳақиқат ривоятлар, ўғиту мақоллар ҳам юзага келган. Чунки:

"Мезон кирди, нақдинг қўлдан олдимра, ҳосилни йиғ, акрабгача қолдирма" ёки "Мезон кирди, ҳисобингни топ" каби гаплар бежиз айтилмаган, албатта.

диган қовун-тарвуз узилганидан сўнг ҳам ўн-ўн икки кун яна мезон офтобига ёйиб олинади. Бу таъмилга Кўқон, умуман, Фарғона водийси дехқонлари кўпроқ амал қилишади. Шунинг учун ҳам улар ҳар йили Наврўз сайлида жумҳуриятнинг бозорларини қовун-тарвуз, ошқовоққа тўлдирдилар.

Хатто илонлар мезон офтобидан уч-тўрт кун роса тобланган, ини-

га кириб, қиш уйқусига кетади. Мезон кириши билан дарахт япроқлари учидан сарғайиб, боғдорлар тилла ранг либосга буркан бошлайди. Олтин қўз ҳукмронлиги қўлга олади. Табиат тагин ҳам фазилли, латофатли, янада гўзалроқ манзара касб этади.

Боғбонлар бу ойда узум ва кўзги меваларни қолдирмай тўласинча йиғиб-териш оладилар. Анорни эса сал кейинроқ, яъни учки барглари бир қадар сарғая бошлаганидан сўнг йиғиб олган маъқул. Негаки, сўнгги гуллардан пайдо бўлган анор доналари шу ойда тўлишиб, қип-қизариб пишади.

Соҳибқорлар тоқ, анжир ва анор новдаларини кесиб, саралаб шу ойда кўмишга шошиладилар. Жўякларни қавс ва чилла суви-

беришга ҳозирлайдилар. Мевали дарахт қатор ора-лари, боғлар, сабзавот ва бошқа экинлардан бўшган майдонларни сифатли шудгор қиладилар.

Фаллакорлар қузги дон экишни бошлаб юборадилар. Бу ойда экилган дон майсаси тез унади ва совуқ тушгунга қадар панжалаб қолади. Ерга мустаҳкам томир қўйиб илгурлади. Бундай майсаларга қиш совуғи ҳадеганда таъсир ўтказолмайди. Қор кўрпаси кўтарилиб, баҳор нафаси эсиши биз ланок гуркираб ўсаверади.

Мезонда чорвадор қишлоғга тайёрланади. Қорақўлчиликка ихтисослаштирилган туман ва хўжалиқларда, айниқса, масъулиятли дамлар бошланади. Йиллов соҳиблари саҳар пайтлари осмонга тез-тез нигоҳ ташлаб турадилар. Тонг оттунга қадар Хулқар юлдузлар тўдаси уфқа ботиши билан қўйга кўчор қишадилар.

Кани, тарвузни кўчқорнинг шохига ур,- дейишадди кеска чорвадорлар,- уруги сочилиб кетсин. Баҳорда яйловга қўша-қўша қўзилар ҳудди шундай сочилиди.

Халқ ҳисобдонлари йиғим-теримни, хусусан, пахта йиғим-теримини иложи борича мезонда тугаллаш зарур эканлигини қайта-қайта маънада берадилар. Негаки, бу ойда кунлар икки соатдан кўпроқ қисқаради, сўнгра аччиқ-аёли, ёғин-сочинли дамлар бошланади.

А.НАРЗИКОВА

МЕЗОН КИРДИ — НАҚДИНГ ҚЎЛДАН ЧИҚАРМА



Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Манзилимиз: Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмаҳонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 736. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобоқ.
Адади - 19112
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.
Расом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Н. ЙЎЛДОШЕВА

МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ (21.03 — 20.04). - Ҳафтанинг бошланшида қўлингизга катта маблағ тушади. Бехудага сарфлаб юбормасдан, мақсад йўлида ишлатишингиз керак.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Дилингиздаги гашликни тарқатиш учун яқин дўстларингиз, оила аъзоларингиз билан биргалликда табиатга сайр уюштиринг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Бу ҳафта молия ва бизнес ишлари билан шуғулланмаганингиз маъқул. Яхшиси боғ ва гулзорингизни тартибга солинг.

КИСКИЧБАКА (22.06 — 22.07). - Фарзандларингиз билан дилдан суҳбат қулинг. Уларнинг ўй-режалари ва келгусидаги ишлари билан қизиқиб зарур маслаҳатлар беринг.

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Муҳаббат учрашувлари учун омадли ҳафта. Сизга севги изҳор қилишга бу муҳаббатга ишонинг. У бахтли кунларингизнинг дебчаси.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Саломатлигингиз панд беради. Жиддий тиббий қўриқдан ўтши зарар қилмайди. Соғлиқни вақтида асрашга ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Расмий ишлар билан банд бўлсангиз-да оила сиз учун энг муҳим экани ёдингиздан чиқмасин. Омадли кун эса жума.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Ўз истеъдодингиз билан кўп ютуқларга эришасиз. Аммо, сизни дилозорликка айб-лашади. Омадларга эътиборли бўлишни унутманг.

ЎКОТАР (23.11 — 21.12). - Сиз ҳамкорларингиз билан чоршанба кун янги шартнома тузишга киришасиз. Кўнглингиз хотир-жам бўлсин, сиз катта маблағга эга бўласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Кузинг соқин боғларини кезсангиз сизни қийнаётган муаммоларни унутасиз. Кўнглингизда хотиржамлик пайдо бўлади.

КОВГА (21.01 — 18.02). - Янги танишлар орттирасиз. Улар билан кадрдонлиқ кетиш ўзингизга, муомала-лангизга боғлиқ.

БАЛИҚ (19.02 — 20.03). - Хушнуд ўтадиган кунлар олдинда. Уларнинг ҳар бири кун сизга ажойиб хушбадлар келтиради.